

“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.
2022 йил.

“ 5 ”

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ

ТЕХНИК ШАРТ № 1

Буюртмачи: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиали.

Иншоотнинг номи: Косон тумани “Дустлик” МФЙ ҳудудида барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивида ичимлик сув ва канализация тармоқлари қурилиши.

Манзили: Косон туман “Дустлик” маҳалласи.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Дустлик” МФЙ ҳудудида барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивини ичимлик сув билан таъминлаш учун Д-1020 мм. бўлган “Яккабоғ-Муборак” магистрал сув қувуридан улансин.

“Яккабоғ-Муборак” магистрал сув қувурида “Янги Ўзбекистон” массиви учун ичимлик сув манбасини яратиш мақсадида гидрогеологлар ҳулосаси асосида Чирокчи туман Дурсун қишлоғи ҳудудидан истеъмол ҳажмидан келиб чиққан ҳолда (1780.15м³/сутка) артезиан қудуқлари қазиш ва тўлиқ жиҳозлаш, қазилган қудуқлар муҳофаза санитар химоя зонаси билан ўраш, электроэнергия таъминоти ва сувни зарарсизлантирувчи усқуналлари билан жиҳозлаш лойиҳада кўриб чиқилсин.

“Яккабоғ-Муборак” магистрал сув қувуридан “Янги Ўзбекистон” массивига ичимлик сув қувури ўтказиш, массив ҳудудидан янги насос станция қуриш, насослар билан жиҳозлаш, ТП ўрнатиш, хлорлаш хонаси қуриш ва жиҳозлаш, иншоотни санитар химоя зонаси билан ўраш ва массивда ичимлик сув тармоқлари қурилиши лойиҳада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра қабул қилинсин.

3. Истеъмолчиларга ичимлик сув тармоғига ва канализация хизматига уланган нуктага қузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Иншоотлардан чиқиш ва кириш қисмига “Онлайн” тизимида ишловчи замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин.

II. ОҚОВА СУВ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ УЧУН.

1. Оқова сув тармоғига уланадиган жой. “Янги Ўзбекистон” массивида хонадонлар сонидан келиб чиқиб канализация хизматлари кўрсатиш учун янги замонавий типдаги Оқова сув тозалаш иншооти (КОС) қурилсин ва оқова сувларни ташлаш нормалари асосида тозаловчи усқуналар билан жиҳозлансин. Ер сатҳига қура КНСлар қуриш ва массивда канализация тармоқлари тортиш лойиҳада аниқлансин.

III. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи ва канализация хизматлари чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув ва оқова сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик ва оқова сув қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 30.12.2021 йилдаги №824-сонли хати.

ИЧТБ бошлиғи

К.Қўйбоқоров.